Фиқҳ дарслари (163-дарс) Ташаҳҳуд миқдорича охирги қаъдада ўтириш

17:00 / 09.12.2021 2584

Намозда охирги саждадан бошини кўтаргач, «Ат-таҳиййаату»ни «абдуҳу ва расулуҳу»гача ўқигунча бўлган вақт давомида ўтириш фарздир.

Бу амалнинг фарзлигига далил:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларида ҳеч замон ва маконда бирор марта ҳам қаъдаи охирни тарк қилмаганлар.

رَوَى أَحْمَدُ وَأَبُو دَاوُدَ وَالطَّحَاوِيُّ عَنِ ابْنِ مَسْعُودٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صلى الله عليه وسلم أَخَذَ بِيَدِهِ وَعَلَّمَهُ التَّشَهُّدَ، وَقَالَ صلى الله عليه وسلم فِي آخِرِ الْحَدِيثِ: «إِذَا قُلْتَ هَذَا أَوْ قَضَيْتَ هَذَا فَقَدْ قَضَيْتَ صَلَاتَكَ».

Абу Довуд, Аҳмад ва Таҳовий Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини қўлларидан тутиб, «ташаҳҳуд»ни ўргатдилар ва охирига етганларида:

«Қачон мана шуни айтиб ёки қилиб бўлсанг, батаҳқиқ, намозинг тамом бўлади», дедилар».

Намоздан чиқиш намозхоннинг амали ила.

Салом берибми ёки бирор бошқа иш қилибми, намозидан чиқади.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди